

4. Баймуратов У. Деньги и финансы: нелинейная система: научно-популярное издание. Том 1. – Алматы: Экономика, 2005. – 320 с.
5. Бюджетирование, ориентированное на результаты: анализ мирового опыта. Фонд «Институт экономики города». – М., 2004.
6. Бюджетнома 2022-2024. Т.: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, 2023. 23 б.
7. Quicker, better, cheaper?: managing performance in American government / edited by Dall Forsythe. 2001. Rockefeller Institute Press, p.45. Borensztein, E; De Gregorio, J; Lee, JW. How does foreign direct investment affect economic growth? // Journal of international economics. – 1998. – Volume: 45. Issue:1, p. 115–135.

АҲОЛИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рузиев Ганишер Усарович
Фискал институти катта ўқитувчisi

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва барқарор ўсишини таъминлаш учун инвестицияларни жалб қилиш жуда муҳим аҳамиятга касб этади. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади. Шу боисдан, инвестицияларни молиялаштириш фондларини ташкил этиш ва уларнинг манбаларини кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар билан бир қаторда аҳолининг инвестицион фаолиятини ривожлантириш борасида зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зоро бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёв томонидан ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилиши, бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни ишлаб чиқиша молиялаштириш фонди ташкил этилиши таъкидланди. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги эътироф этилди¹⁵⁴.

Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида аҳоли жамғармалари мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган инвестиция ресурсларининг истиқболли ва муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда аҳолининг инвестиция фаолигини ташкил этиш бирламчи вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жаҳон капитал бозоридаги тебранишларга чидамли бўш маблағлар манбаи бўлган ички инвестициялар салоҳиятининг асосий

¹⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

таркибий қисмларидан бири сифатида аҳоли жамғармаларини белгилашга асосланади. Аҳолининг инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг кўлами ва хусусиятлари аҳоли жамғармаларидан маълум механизм орқали иқтисодиётнинг реал секторида фойдаланиш имкониятидан далолат беради.

Иқтисодиёти барқарор мамлакатларда аҳолининг инвестицион фаоллигига алоҳида ўрин берилади, чунки иқтисодий ўсиш жами жамғармалар даражаси билан ўзаро боғлиқ деган фикр мавжуд ва жамғармаларга эга бўлишнинг ўзи эса мамлакат бойлигидан далолат беради. Шунга кўра кўплаб мамлакатларда жамғармаларни яратиш учун имтиёзлар мавжуд бўлиб, аҳолининг инвестицион фаолиятини ташкил этишда уларни жамғариш ва иқтисодиётда самарали фойдаланиш имконини берувчи механизmlар яратилган. Бу борада кенг қўлланиладиган усул ва воситалардан бири аҳолининг инвестицион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш ҳисобланади.

Аҳоли даромадларининг шаклланиш жараёнларида, шу жумладан уларнинг инвестицион фаолиятида солиқларнинг рағбатлантирувчилик хусусияти иштирок этади ва унинг натижасида даромадларнинг шаклланиши ҳамда ошиб боришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Демак, аҳолининг даромадидан олинадиган солиқлар фақатгина уларнинг ихтиёрида қоладиган даромадини камайишига сабаб бўлмасдан, балки даромадларнинг шаклланиши ва ошишига ҳам хизмат қиласди. Мисол учун, аҳолининг фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадлари, қимматли қоғозлар билан боғлиқ даромадлари мулкий даромадлар ҳисобланади ва уларнинг шаклланиш жараёнларига ҳам солиқлар рағбатлантирувчи функцияси воситасида таъсир ўтказади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 369-моддасига асосан фуқароларнинг мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари, Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан чиқарилган халқаро облигациялар бўйича даромадлар жисмоний шахсларнинг жами даромадлар таркибига киритилмайди ва солиқقا тортилмайди.

Солиқ кодексининг 378-моддасига асосан эса жисмоний шахсларнинг давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлари, жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлари, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлари ва ютуқларига солиқ солинмайди. Шунингдек, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги ихтиёрий равища шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириладиган солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларига ҳам солиқ солинмайди.

Кейинги йилларда аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция киритишини рағбатлантириш борасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, капитал бозорини янада ривожлантириш, давлат акция пакетларини капитал бозори орқали хусусийлаштириш амалиётини кенгайтириш, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция киритишини рағбатлантириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ-90-сон қарори¹⁵⁵ билан дастлаб 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидағи даромадлари даромад солиғидан озод қилинди. Шунингдек ушбу муддатда Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидағи даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинди. Кейинчалик имтиёзлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида мазкур имтиёзларнинг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сонли қарори¹⁵⁶ билан 2028 йил 31 декабрга қадар узайтирилди. Шунинг билан биргаликда, ушбу қарор билан акциялар оммавий жойлаштирилганда корхоналар ходимлари корхона томонидан жорий қилинган ўз ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси (ESOP) доирасида уларга ушбу акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқ тақдим этиладиган бўлди. Бунда, уларнинг акцияларни сотиб олишга йўналтирадиган ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларидан ошмайдиган маблағлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинадиган бўлди. Ушбу қарор билан солиқ тўловчининг солиқ даври давомида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг юз бараваригача бўлган миқдордаги иш ҳақи ва бошқа даромадларидан маҳаллий фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган даромадларини уларни ўн икки ой ичida қайтариб олмаслик шарти билан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинди ва бу борада Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида фуқароларга жамғарив бориладиган ихтиёрий пенсия бадалларини маҳаллий фонд бозоридаги қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш ҳуқуқини тақдим этиш ва бунда қимматли қоғозларнинг олди-сотдисидан олинадиган ва дивиденд (фоиз) шаклидаги қўшимча даромадлар фуқаролар томонидан пенсия ёшига етгунга қадар ҳам

¹⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2022 йил 17 январь, ПҚ-90-сон.

¹⁵⁶ Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон

мустақил тасарруф этилиши мумкинлигигига доир қонун лойиҳаси тайёрланиши назарда тутилган эди. Аммо бугунги кунга қадар фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминотига доир қонун ҳужжатларига ушбу имтиёздан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган. Аслида "Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга ихтиёрий пенсия бадалларини маҳаллий фонд бозоридаги қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш ҳуқуқи бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим. Шунинг билан биргаликда, унда қимматли қоғозларнинг олди-сотдисидан олинадиган ва дивиденд (фоиз) шаклидаги қўшимча даромадлар фуқаролар томонидан пенсия ёшига етгунга қадар ҳам мустақил тасарруф этилиши белгилаб қўйилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра қуйидагилар таклиф этилади:

- "Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун¹⁵⁷нинг 12-моддаси (Жамғарип бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланиш)га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим;

- Шахсий жамғарип бориладиган пенсия тизими маблағлари манбалари таркибида уларнинг жамғарип бориладиган ихтиёрий пенсия бадалларини маҳаллий фонд бозоридаги қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш тартиби ва механизми ишлаб чиқилиши ва тегишли тартибда ва ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйиш лозим.

Демак, аҳолининг инвестицион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириши билан боғлиқ имтиёзлар ва уларнинг ҳуқуқий асосларининг янада такомиллаштирилиши аҳолига ортиқча пул маблағларини инвестиция қилиш орқали иқтисодий ўсишга, уй хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ЮКИ МАСАЛАЛАРИ

Саипназаров Шербек Шайлабекович
ТДИУ "Солиқлар ва солиққа тортиш"
кафедраси доценти

Ҳар бир мамлакат ўзи танлаган иқтисодиётини ривожлантириш йўлидан борар экан, доимо қийинчиликларга дуч келади ва қийинчиликлар турли хил омиллар таъсирида вужудга келади. Улардан энг асосийларидан бири бу солиқ сиёсати соҳасидаги қийинчиликлар, солиқ юкининг нотекис ривожланиши кабиларни мисол қилиш мумкин. Барчага маълумки, иқтисодиётдаги ривожланишларнинг манбай бюджет даромадлари ҳисобланади ва ушбу даромадларнинг шаклланишидаги

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида. 2004 йил 2 декабрь, 702-II-сон